- [9] Мамахонов А., Джураев А. Занжирли узатма етакланувчи тармоқ таранглигининг таркибли таранглаш ролиги бикрлигига таъсири назарий таҳлили // Пахта тозалаш, тўқимачилиқ ва енгил саноат ва технологияларини такомиллаштиришда инновацияларнинг роли. Наманган, 2015. Б. 298.
- [10] Мамахонов А., Джураев А. Занжирли узатма етакловчи тармоғи таранглигига таркибли таранглаш ролиги параметрларининг таъсири // Сборник научных трудов «Актуальные вызовы современной науки» Вып. 3. Ч. 1. Переяслав-Хмельницкий, 2016. С. 83–88.

Наманган муҳандислик-технология институти

06.01.2021 й.
қабул қилинган

А.Джураев, А.Мамахонов. Динамический анализ машинного агрегата с механизмом передачи с составным роликом цепи привода конвейера

В статье приведены принципиальная схема, принцип работы конвейера Редлер с цепной передачей в приводе с упругими элементами цепи в технологической машине для производства масла из растений. Составлены динамическая и математическая модели машинного агрегата с приводом конвейера Редлер. На основе численного решения системы дифференциальных уравнений получены закономерности движения рабочего органа на основе анализам построены графические зависимости параметров системы. Обоснованы их более существенные значения.

A.Djurayev, A.Mamakhonov. Dynamic analysis of a machine unit with a conveyor drive chain transfer with a composite roller.

The article presents the scheme and principle of operation of the technological machine for the production of vegetable oil, with a chain of elastic elements used in the conveyor Redler. Dynamic and mathematical models of machine assembly of the Redler conveyor are constructed. Based on the numerical solution of the system of differential equations, the law of motion of the working body is obtained. Based on the analysis of connection schedules, optimal parameter values are recommended.

ТИШЛИ-РИЧАГЛИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ УЗАТИШ МЕХАНИЗМИНИНГ КИНЕМАТИК ТАҲЛИЛИ

Жаҳонда турли саноат тармоқларида валли машиналардан кенг миқёсда фойдаланилади [1–8]. Валли машиналарда асосан ишлов бериладиган материални турига боғлиқ ҳолда сиқиш, чўзиш, текислаш, майдалаш ва бошқа жараёнлар амалга оширилади [1–3, 9–11].

Валли машиналар ва уларнинг узатиш механизмлари устида олиб борилган илмий тадқиқотларни ўрганиш жараёнида, уларнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам мавжудлигини, айниқса ишчи валларининг ўқлараро масофаси ўзгарувчан аксарият валли машиналарнинг узатиш механизмлари ушбу машиналарни структуравий (тузилиш), кинематик, динамик хоссаларини ҳисобга олмасдан танланган ва лойиҳаланганлигини кўриш мумкин [1, 2].

Айрим кинематик тадқиқларда, ишчи валларининг ўқлараро масофаси ўзгарувчан валли машиналарнинг дифференциал узатиш механизмларни узатиш нисбатини аниқлаш, оддий кўп поғонали тишли узатиш механизмлари каби ўрганилган. Бунда етакловчи ва етакланувчи тишли ғилдиракларнинг ўқлараро масофаси ўзгариш натижасида узатиш нисбати ўзгариши ҳисобга олинмаган [2, 11].

Айнан ишчи валларнинг ўқлараро масофасининг ўзгариши натижасида уларни талаб этилган даражада айланмаслиги сабабли, ишчи валлар ва ишлов бериладиган материаллар орасидаги геометрик силжишнинг юзага келиши, мавжуд валли машиналарнинг камчиликларидан бири бўлиб ҳисобланади [2].

Механизмлар кинематикасида механизмлар ҳаракати билан боғлиқ кучларни ҳисобга олмаган ҳолда механизм бўғинларидаги нукталарнинг траекториялари, чизикли силжиши, тезлиги ва тезланишлари, бўғинларнинг эса бурчак силжиши, тезлиги ва тезланишлари ўрганилади [12, 13].

Кинематикани ўрганишда аналитик, график ва графоаналитик усуллардан фойдаланилади [12].

Ҳар қандай механизм таркибидаги ҳар бир бўғиннинг ҳаракат қонуларини билмай туриб, шу механизмга кинематик жиҳатдан тўғри баҳо бериб бўлмайди. Ҳар қандай механизм маълум тартибда ҳаракат қилиши шарт, бу ҳаракат механизм таркибидаги етакловчи бўғиннинг ҳаракат қонунига боғлиқ бўлади. Механизмлардаги ана шу ҳаракатларни ўрганиш механизмлар кинематикасининг асосий масаласидир [12, 13].


Юқоридагиларга асосан, 1-расмдаги 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмнинг кинематикасини ҳисоблаймиз.

1-расмда берилган механизмнинг $ABCDE$ нукталарига 1, 2, 3, 4, 5 – ричаглар кетма-кет, A , E ва A_0 нукталари O – таянчга қўзғалувчан қилиб маҳкамланган. Механизмнинг A , B , C , D нуктадаги боғланишларига 6, 7, 8, 9 – тишли ғилдираклар қўзғалувчан қилиб ўрнатилган, натижада 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизми ҳосил қилинган.

Ушбу узатиш механизмнинг кинематикасини ҳисоблашни соддалаштириш учун унинг ричагли контурини алоҳида ажратиш оламиз (2-расм).

Ричагли механизм бошланғич ҳолатида, 1 - ричаг A нуктада O - таянчга, 1, 2, 3, 4, 5 - ричаглар кетма-кет, 5 - ричаг E нуктада O - таянчга шарнирли маҳкамланган. X ўқига нисбатан 1 - ричаг φ_1 бурчак, 5 – ричаг β бурчак остида O - таянчга ўрнатилган. Технологик жараён бошланганда 5 – ричагни D нуктаси ёйсимон кўчади ҳамда бурчаклар φ_1 ва β ўзгаради. Шу сабабли уларнинг бири-бирига боғлиқ ҳолда ўзгаришини аниқлаймиз.

$$\beta = \arcsin \left(\frac{AE - BC + (AB + CD) \sin \varphi_1}{L} \right), \quad (1)$$



1-расм. 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизми схемаси. O - таянч; 1, 2, 3, 4, 5 – ричаглар; 6, 7, 8, 9 – тишли ғилдираклар

бу ерда: AE - A ва E нукталар орасидаги масофанинг Y ўқидаги проексияси, $L - D$ ва E нукталар орасидаги 5 - ричаг узунлиги, $AB - 1$ - ричагнинг узунлиги, $BC - 2$ - ричагнинг узунлиги, $CD - 4$ - ричагнинг узунлиги.

Механизмни 5 - ричаги ва 4 - ричаги D нуктада боғланганлигини ҳисобга олиб, 4 - ричагни C нуктасини тезлиги $\overline{V_C}$ топамиз. Бунинг учун учбурчак A_0CD ни ечиш орқали $\varphi_2, \varphi_3, \varphi_4$ бурчакларни топамиз.

$$\varphi_2 = 90^\circ - \varphi_1 \quad (2)$$

$C A_0$ ва CD катетлар тенг бўлгани учун $\varphi_3 = \varphi_2$ бўлади

$$\varphi_4 = 180^\circ - \varphi_3 - \varphi_2 \quad (3)$$

3 - ричаг A_0 нуктада O - таянч билан боғланганлиги сабабли ушбу ричагни оний айланиш маркази P_3 шу нуктада жойлашган бўлади. Шу сабабли 4 - ричагни C нуктасининг тезлигини йўналиши CA_0 чизикқа, D нуктасининг тезлигини йўналиши ED чизикқа перпендикуляр бўлишни инобатга олиб, уларни кесишган нуктасида 4 - ричагни оний айланиш маркази P_4 ҳосил бўлади.

Ҳосил бўлган учбурчак P_4DC ечиш орқали P_2D масофани топиб, 4 - ричагнинг бурчак тезлиги ω_4 ни топамиз

$$\omega_4 = \frac{\overline{V_D}}{P_4D} \quad (4)$$

Бу ерда P_4D масофа номаълум бўлганлиги сабабли ёрдамчи бурчак ва томонларни қийматларини аниқлаш орқали топамиз.

D нуктадан X ўқи бўйлаб чизик ўтказиб, P_4C чизик билан кесишган нуктани S билан белгилаймиз. Ҳосил бўлган учбурчак CDS нинг ички бурчакларини топамиз

$$\varphi_6 = 180^\circ - \varphi_4, \quad (5)$$

$$\varphi_5 = 90^\circ - \varphi_3, \quad (6)$$

$$\varphi_7 = 180^\circ - \varphi_5 - \varphi_6. \quad (7)$$

Учбурчак P_4DS нинг ички бурчакларини топамиз

$$\varphi_8 = 180^\circ - \varphi_7, \quad (8)$$

$$\varphi_9 = 180^\circ - \varphi_8 - \beta. \quad (9)$$

Учбурчак CDS нинг CS ва DS томонларини ҳамда учбурчак P_4DS нинг P_4D томонини синуслар теоремасига асосан топамиз

$$SC = \frac{d \sin \varphi_5}{\sin \varphi_7}, \quad (10)$$

$$SD = \frac{d \sin \varphi_6}{\sin \varphi_7}, \quad (11)$$

$$P_4D = \frac{SD \sin \varphi_8}{\sin \varphi_9}, \quad (12)$$

$$P_4S = \frac{SD \sin \beta}{\sin \varphi_9}. \quad (13)$$

(12) формулани (4) формулага қўллаб, 4 - ричагни бурчак тезлиги ω_4 аниқлаймиз.


Шунингдек, учбурчак P_4DC дан P_4C масофани (10) ва (13) формулалар йиғиндиси орқали топамиз

$$P_4C = P_4S + SC. \quad (14)$$

P_4C масофани 4 - ричагни бурчак тезлиги ω_4 га кўпайтириб, C нуктанинг тезлиги $\overline{V_C}$ ни топамиз

$$\overline{V_C} = \omega_4 P_4C. \quad (15)$$

C нуктанинг тезлиги $\overline{V_C}$ орқали 3 - ричагнинг бурчак тезлиги ω_3 ни топамиз



2-расм. 10 бўғинли тишли ричагли дифференциал узатиш механизмнинг ричагли контурини. 1, 2, 3, 4, 5 – ричаглар

$$\omega_3 = \frac{\overline{V_C}}{d}. \quad (16)$$

2 - ричагни бурчак тезлиги 0 га тенглигни инобатга олиб, 3 - ричагнинг бурчак тезлиги $\omega_3 = \omega_1$ ва чизикли тезликлари $\overline{V_C} = \overline{V_B}$ тенг бўлади.

Ушбу аниқланган ричагли контурни кийматлари ёрдамидан 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг кинематикасини тўлиқлигича ҳисоблаймиз (3 - расм).

2 - расмдаги механизмнинг A, B, C, D нукталарига тишли ғилдираклар ўрнатамиз (3-расм). Тишли ғилдиракларнинг диаметрлари бир-бирига тенг $d_6 = d_7 = d_8 = d_9$, бундан келиб чиқиб $AB = BC = CD = d$ бўлади. Тишларнинг илашиш нукталарини M, N, F нукталар билан белгилаб оламиз.

Бу ерда 6 - тишли ғилдиракни бурчак тезлиги ω_6 маълумлигини инобатга олиб, 6 ва 7 - тишли ғилдиракларни илашиш нуктаси M нуктанинг тезлиги $\overline{V_{M_6}}$ ни топамиз

$$\overline{V_{M_6}} = \overline{V_{M_7}} = \omega_6 r, \quad (17)$$

1 - ричаг билан 7 - тишли ғилдирак B нуктада боғланганлигини инобатга олиб, B нуктанинг тезлиги $\overline{V_B}$ ни топамиз. 1 - ричагни бурчак тезлиги ω_1 (16) формулада аниқланганлиги сабабли B нуктанинг тезлиги $\overline{V_B}$ ни қуйидагича ёзиш мумкин

$$\overline{V_B} = \omega_1 AB \quad (18)$$

7 - тишли ғилдиракнинг B ва M нукталарини тезлик векторлари топилганлиги учун уларни учларини туташтириб чизик ўтказиб, B ва M нукталардан ўтган чизик билан кесишган нуктаси 7 - тишли ғилдиракни оний айланиш маркази P_7 бўлади. 7 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_7 ни топиш учун B нуктасидан P_7 нуктагача бўлган масофани тезлик векторларини нисбати елкаларининг нисбатига тенглигидан фойдаланиб топамиз

$$BP_7 = \frac{\overline{V_B} \frac{d}{2}}{(\overline{V_M} - V_B)} \quad (19)$$

(18) ва (19) формулалардан фойдаланиб, 7 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_7 топамиз

$$\omega_7 = \frac{\overline{V_B}}{BP_7} \quad (20)$$

7 ва 8 - тишли ғилдиракларнинг илашиш нуктаси N ни тезлиги $\overline{V_N}$ топиш учун P_7 нуктадан N нуктага тўғри чизик ўтказамиз. N нуктанинг тезлик вектори P_7N га перпендикуляр ва ω_7 бурчак тезлик йўналиши бўйлаб йўналган бўлади. Бу ерда ҳосил бўлган учбурчак BP_7N дан P_7N масофани косинуслар теоремасига асосан топамиз

$$P_7N = \sqrt{r^2 + BP_7^2 - 2rBP_7 \cos \varphi_{10}}. \quad (21)$$


Учбурчак BP_7N дан φ_{10} бурчакни топамиз

$$\varphi_{10} = \varphi_2. \quad (22)$$

Учбурчак BP_7N дан P_7N масофани косинуслар, φ_{11} бурчакни синуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз.

$$\varphi_{11} = \arcsin \left(\frac{BP_7 \sin \varphi_{10}}{P_7N} \right). \quad (23)$$

(20) ва (21) формулалар орқали 7 ва 8 - тишли ғилдираклар илашиш нуктаси N тезлиги $\overline{V_N}$ ни топамиз



3 - расм. 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизми схемаси. 0 - таянч; 1, 2, 3, 4, 5 - ричаглар; 6, 7, 8, 9 - тишли ғилдираклар.

$$\overline{V}_N = \omega_7 P_7 N \quad (24)$$

8 - тишли ғилдиракнинг N ва C нукталарининг чизикли тезликлари (15) ва (24) формулаларда аниқланганлиги сабабли уларни йўналишларига перпендикуляр чизиклар ўтказиб, чизиклар кесишган нуктасини 8 - тишли ғилдиракнинг оний айланиш маркази P_8 билан белгилаймиз ва ҳосил бўлган учбурчак NCP_8 дан бурчаклар φ_{12} , φ_{13} , φ_{14} ва P_8N масофани аниқлаш орқали 8 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_8 ни топамиз.

Учбурчак P_8NC дан φ_{12} , φ_{13} , φ_{14} бурчакларни топамиз

$$\varphi_{12} = \varphi_{11}, \quad (25)$$

$$\varphi_{13} = 90^\circ - \varphi_1, \quad (26)$$

$$\varphi_{14} = 180^\circ - \varphi_{12} - \varphi_{13}. \quad (27)$$

Учбурчак P_8NC дан P_8N масофани синуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз

$$P_8N = \frac{r \sin \varphi_{13}}{\sin \varphi_{14}}. \quad (28)$$

(24) ва (28) формулалардан 8 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_8 ни топамиз

$$\omega_8 = \frac{\overline{V}_N}{P_8N}. \quad (29)$$

8 ва 9 - тишли ғилдиракларнинг илашиш нуктаси F ни тезлиги \overline{V}_F топиш учун P_8 нуктадан F нуктага тўғри чизик ўтказамиз. F нуктанинг тезлик вектори \overline{V}_F P_8F га перпендикуляр ва ω_8 бурчак тезлик йўналиши бўйлаб йўналган бўлади. Бу ерда ҳосил бўлган учбурчак P_8FC ни ечиш орқали F нуктани тезлиги \overline{V}_F ни топамиз.

Учбурчак P_8NC дан P_8C масофани синуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз

$$P_8C = \frac{r \sin \varphi_{12}}{\sin \varphi_{14}}. \quad (30)$$

Учбурчак P_8FC дан P_8F масофани косинуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз

$$P_8F = \sqrt{r^2 + P_8C^2 - 2rP_8C \cos \varphi_4}. \quad (31)$$

(29) ва (31) формулалар орқали F нуктани тезлиги \overline{V}_F ни топамиз

$$\overline{V}_F = \omega_8 P_8F. \quad (32)$$

9-тишли ғилдиракнинг F ва D нукталарининг чизикли тезликлари маълумлиги сабабли уларни йўналишларига перпендикуляр чизиклар ўтказиб, чизиклар кесишган нуктасини 9 - тишли ғилдиракнинг оний айланиш маркази P_9 билан белгилаймиз ва ҳосил бўлган учбурчак P_9FD дан бурчаклар φ_{15} , φ_{16} , φ_{17} ва P_9D масофани аниқлаш орқали 9 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_9 ни топамиз.

Учбурчак $F P_8C$ дан φ_{15} масофани синуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз

$$\varphi_{15} = \arcsin \left(\frac{P_8C \sin \varphi_4}{P_8h} \right). \quad (33)$$

Учбурчак P_9FD дан φ_{16} , φ_{17} бурчакларни топамиз

$$\varphi_{16} = \varphi_{15}, \quad (34)$$

$$\varphi_{17} = 180^\circ - \beta - \varphi_5 - \varphi_{16}. \quad \dots \quad (35)$$

Учбурчак P_9FD дан P_9D ва P_9F масофани синуслар теоремасидан фойдаланиб топамиз

$$P_9D = \frac{r \sin \varphi_{16}}{\sin \varphi_{17}}, \quad (36)$$

$$P_9F = \frac{P_9D \sin(\varphi_5 + \beta)}{\sin \varphi_{16}}. \quad (37)$$

9 - тишли ғилдиракнинг бурчак тезлиги ω_9 ни топамиз

$$\omega_9 = \frac{\overline{V}_F}{P_9F} \quad \text{ёки} \quad \omega_9 = \frac{\overline{V}_D}{P_9D}. \quad (38)$$

$\overline{V}_D \neq 0$ бўлганда $\omega_9 = \omega_6 \pm \Delta\omega$ бўлади. Сабаби 9 - тишли ғилдиракнинг D нуқтаси \overline{V}_D тезлик билан юқориға ёки пастга ҳаракатланганда қўшимча бурчак тезлик пайдо бўлади

$$\pm \Delta\omega = \omega_9 - \omega_6, \pm \Delta\omega = \frac{\omega_6 (rP_7NP_8F - P_7MP_8NP_9F)}{P_7MP_8NP_9F}. \quad (39)$$

Етакловчи бўғинни етакланувчи бўғинга узатиш нисбатини топамиз

$$U_{69} = \frac{\omega_6}{\omega_9}, U_{69} = \frac{\omega_6 P_9 D}{V_D} = \frac{\omega_6 r \sin \varphi_{16}}{V_D \sin \varphi_{17}}, \quad (40)$$

бу ерда: $U_{69} - 6$ – тишли ғилдиракни 9 – тишли ғилдиракка узатиш нисбати, $\omega_6, \omega_9 - 6$ ва 9 – тишли ғилдиракларнинг бурчак тезликлари.

Юқорида 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг бўғинларининг чизиқли тезлик, бурчак тезликлари ва узатиш нисбатлари аналитик усулда аниқладик. Шу сабабли ушбу аниқланган формулаларга сон қийматлар қўйиб, узатиш механизмнинг чексиз ҳолатлари учун бўғинларининг чизиқли тезлик, бурчак тезликлари ва узатиш нисбатларини натижаларини сон қийматда олишимиз мумкин.


Хусусан, тадқиқ қилаётган 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг 1, 2, 3 ва 4 - ричагларининг узунлиги $AB=BC=CA_0=CD=40$ мм, 5 - ричаг узунлиги $DE=70$ мм, 6, 7, 8 ва 9 – тишли ғилдиракларининг диаметри $d_6=d_7=d_8=d_9=40$ мм тенг, бошланғич ҳолатда X ўқиға нисбатан 5 – ричаг $\beta=15^\circ$ бурчак, 1 - ричаг $\varphi_1=45^\circ$ бурчак остида ўрнатилган, 9 – тишли ғилдиракнинг D нуқтасини тезлиги $\overline{V}_D=14$ м/с деб олиб, 1 - ричагни бурчаги φ_1 ни $45^\circ - 65^\circ$ гача ўзгартириш орқали аниқланган формулаларга сон қийматларни қўйиб, механизмнинг ихтиёрий бўғинларининг чизиқли тезлик, бурчак тезликлари ва узатиш нисбатларини қийматлари олинди. Олинган натижалардан механизмнинг асосий параметри бўлган 6 – тишли ғилдирагини 9 – тишли ғилдиракка узатиш нисбати U_{69} ни қийматлари ва уларнинг ўзгариши қуйидаги жадвалга киритилди.

φ_1 бурчак $45^\circ - 65^\circ$ гача ўзгарганда 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг асосий параметрлари натижаларининг ўзгариш ҳолати

Асосий параметрлар	10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг ҳолати					
	1	2	3	4	5	6
V_D (м/с)	14	14	14	14	14	14
φ_1 (градус)	45	49	53	57	61	65
ω_6 (c^{-1})	2	2	2	2	2	2
β (градус)	15	11.80	8.87	6.23	3.87	2.79
ω_9 (c^{-1})	1.74372389	1.810347795	1.864779877	1.909423857	1.946028847	1.975887
U_{69}	1.146970579	1.104760094	1.072512646	1.047436374	1.027733994	1.012204

φ_1 бурчак $45^\circ - 65^\circ$ гача ўзгарганда 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг асосий параметрлари натижаларининг ўзгариш графиги (4-расм).

Жадвал ва графикдан кўриниб турибдики, дифференциал узатиш механизмининг етакловчи ва етакланувчи тишли ғилдиракларининг ўқлараро масофаси ўзгариши натижасида механизмнинг узатиш нисбаталари ўзгаради. Бу эса ишчи валлар ва ишлов бериладиган материаллар орасида геометрик силжишни юзага келтиради. Шу сабабли ишчи валларининг ўқлараро масофаси ўзгарувчан бўлган, ишчи валларидан бирининг айланиш маркази ёйсимон ҳаракатланувчи валли машиналарга узатиш механизми танлашда, кўриб чиқилган 10 бўғинли тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг узатиш нисбатини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.



4-расм. Тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмининг асосий параметрлари натижаларининг ўзгариш графиги

АДАБИЁТЛАР

- [1] Абдукаримов А., Бахадиров Г.А., Сайдахмедова Н.Б., Сайдокулов И.Х. Анализ валковых машин с дугообразным движением центров вращения свободных рабочих валов // Республика илмий-амалий конференцияси профессор-ўқитувчилари илмий амалий анжумани. Фарғона, 2012. Б. 48–49.
- [2] Абдукаримов А. Анализ и синтез передаточных механизмов валковых машин с переменным межосевым расстоянием рабочих валов: Дис. ... канд. техн. наук. Ташкент: ИМСС, 1995. –158 с.
- [3] Бахадиров Г. А. Механика отжимной валковой пары. Ташкент: Фан, 2010. С. 4–48.
- [4] Бахадиров Г. А. Анализ работы и классификация валковых машин кожевенного производства // Проблемы механики. 2005. №4. С. 45–50.
- [5] Каплин Л. А. Снижение виброактивности и совершенствование конструкций строгальных кожевенных машин: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. М., 1984. – 28 с.
- [6] Кузнецов В. А. Обоснования конструктивных параметров высокопроизводительных валковых машин интенсивного отжима: Автореф. дис. ... канд. техн. наук. Кострома, 1984. – 18 с.
- [7] Митленер А. Р. Исследования процесса отжима и разработка метода расчета валов валковых машин: Дис. ... канд. техн. наук. Кострома: КГТУ, 1996. – 150 с.
- [8] Подъячев А. В. Теоретические и прикладные аспекты проектирования валковых модулей машин текстильного отделочного производства : Автореф. дис. ... докт. техн. наук. Кострома: КГТУ, 2003. – 32 с.
- [9] Фомин Ю. Г. Разработка теоретических основ и средств повышения эффективности обработки тканей валковыми модулями отделочных машин: Дис. ... докт. техн. наук. Иваново: Ив. гос. текстильная академия, 2001. – 441 с.
- [10] Шукуров М. М. Научные основы проектирования и расчета рабочих органов машин прядильного производства. Дис. ... докт. техн. наук. Ташкент, 2004. – 324 с.
- [11] Бурмистров А. Г. Машины и аппараты производства кожи и меха. М.: КолосС, 2006. С.5–10.
- [12] Усмонхўжаев Ҳ. Ҳ. Механизм ва машиналар назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 576 б.
- [13] Jo‘raev A. D. Mexanizm va mashinalar nazariyasi. Toshkent: G‘.G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2004. – 592 b.

ЎзР ФА М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва
иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

24.12.2020 й.
қабул қилинган

А.Абдукаримов, И.Х. Сайдокулов, А.А. Абдуллажонов. Кинематический анализ зубчато-рычажного дифференциального передаточно механизма

В статье проведен аналитический расчет кинематического анализа зубчато-рычажного дифференциального передаточно механизма, состоящего из 10 звеньев. Получены результаты основных параметров при изменении угла φ_1 от 45° до 65° .

A. Abdukarimov, I.X. Saydokulov, A.A. Abdullajonov. Kinematic analysis of a gear-link differential transmission mechanism

In the article, an analytical calculation of the kinematic analysis of a gear-lever differential transmission mechanism consisting of 10 links is carried out and the results of the main parameters are obtained when the angle φ_1 changes from 45° to 65° .

УЎК 621.01

Д.М. МУХАММАДИЕВ, Х.А. АХМЕДОВ, И.О. ЭРГАШЕВ, Р.Т. БОЗОРОВ, Р.Х. РАСУЛОВ

АЛМАШИНУВЧИ ЭЛЕМЕНТНИ ЭГИШ ЖАРАЁНИДА МАТЕРИАЛНИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ МИҚДОРНИ ҲИСОБЛАШ

Алмашинувчи элементни эгиш операциясини бажаришда ҳар доим материалнинг эластик деформацияси мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Алмашинувчи элементни эгиш натижасида махсулотнинг кейинги шакли штамп шаклидан фарқ қилади. Шунинг учун алмашинувчи элемент штампини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришда, материалнинг орқага қайтиш миқдорини ҳисобга олиш керак.


Алмашинувчи элементни эгишдан кейинги берилган бурчак ва радиусини олиш учун штампдаги бурчакни ва радиусни (пуансонда) материалнинг орқага қайтиш миқдорига камайтириш керак. Тажрибалар шуни кўрсатдики, алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш миқдори материалнинг турига, қалинлигига, деталнинг шаклига, нисбий эгилиш радиусига, эгилиш бурчагига ва шунингдек таъсир кучига боғлиқ.

Алмашинувчи элемент материалнинг оқувчанлик даражаси $\sigma_{\text{ок}}$ қанча катта бўлса, нисбий радиус r/s шунчалик катта ва материалнинг қалинлиги s эса кичик ва эгилиш бурчаги α қанчалик катта бўлса, материалнинг орқага қайтиш миқдори ҳам катта бўлади (1-расм).


Бир бурчакли эгишда орқага қайтиш икки бурчаклигига қараганда каттароқ бўлади. Икки бурчакли эгишда материалнинг орқага қайтиш миқдорига матрица ва пуансон ўртасидаги оралик

масофага таъсир қилади; манфий оралиқ масофа бўлганда (оралиқ масофа материал қалинлигидан кам бўлса), орқага қайтиш минимал бўлади.

Алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш бурчагини аналитик усулда кучланиш миқдори ва эластик деформация миқдорлари ёрдамида ҳисоблаш ҳамда тажрибавий синаш ва уни ўлчаш йўли билан аниқлаш мумкин.



1- расм. Алмашинувчи элементни эгилиши ва материалнинг орқага қайтиш жараёни схемаси



2- расм. Алмашинувчи элементни эгилиш деформациясининг эгиш кучига боғлиқ ўзгариш графиги

Алмашинувчи элементнинг эгрилик ва эгилиш бурчаги ўзгаришида намоён бўладиган қолдиқ кучланиш ва материалнинг орқага қайтишнинг аналитик миқдорини юкланишни тушириш теоремаси [1, 2] асосида аниқланиши мумкин, бу листларни штамплash билан боғлиқ бўлган [3] ишларда янада ривожлантирилган.

Ушбу теоремага кўра, юкланишни тушириш пайтида кучланишлар ва деформациялар ўртасидаги боғлиқлик Гук қонунига бўйсунди. Агар юклаш пайтида деталда ҳар хил деформациялар руй берган бўлса, унда юкланишни тушириш пайтида унда қолдиқ кучланишлар пайдо бўлади. Уларнинг миқдори фақат эластик деформация вақтида детал юкланганда таъсир қиладиган кучланишлар ва ташқи кучлар орасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Алмашинувчи элементнинг (Пўлат 3) пластик эгилиш (эни b ва қалинлиги s бўлган тўғрибурчак) моменти тенглигидан мустақкамланмаган ва эгилиш деформациясининг ҳаёлий моментидан фойдаланиб, ишлов бериладиган қисмнинг сирт қатламларидаги кучланиш $\sigma_{эл}$ қийматини эластик эгилиш билан топамиз (бунда $y=s/2$ ва $\beta=1$).

$$(M_{пл} = \frac{bs^2\sigma_s}{4}) = (M_{эл} = \frac{bs^2\sigma_{эл}}{6}); \quad \sigma_{эл} = \frac{3\sigma_s}{2}. \quad (1)$$

Сўнгра ясамада эластик эгишнинг эластик моменти таъсиридан ҳосил бўладиган кучланиш қуйидаги ифодадан аниқланади

$$\sigma' = \frac{3}{2}\sigma_s \frac{2(\rho - \rho_c)}{s} = 3\sigma_s \frac{\rho - \rho_c}{s} = 3\sigma_s \frac{y}{s}, \quad (2)$$

бу ерда: ρ_c – ясаманинг сиртининг ўрта радиуси; y - ўрта сиртдан кўрилаётган қатламгача бўлган масофа ($\rho - \rho_c$).

Юклама туширилгандан кейинги қолдиқ кучланишларнинг ясама қалинлиги тақсимланишини қуйидаги ифодадан топамиз

$$\sigma_{кол} = \sigma_s - \sigma' = \sigma_s - 3\sigma_s \frac{y}{s} = \sigma_s (1 - 3\frac{y}{s}). \quad (3)$$

Ташқи қатламда эса ($y=s/2$ да) қолдиқ кучланишнинг қиймати қуйидагига тенг

$$\sigma_{колR} = \sigma_s - \frac{3}{2}\sigma_s = -\frac{\sigma_s}{2}. \quad (4)$$

Бундан келиб чиқадики, ясамани эгиш пайтида ташқи қатлами чузилиб, σ_s кучланиш таъсирида бўлади, юклама туширилгандан кейин, $-0.5 \sigma_s$ кучланиш билан сиқилади. Чунки юкланишнинг туширилиши эластик деформация шароитида содир бўлади ва бу вақтдаги эгилик радиусининг ўзгаришини қуйидаги тенглик билан аниқлаш мумкин. σ_s – кучланиш қийматини алмашинувчи элементни эгиш кучининг деформацияга боғлиқлиги (2-расм) графигидаги максимал куч қийматидан аниқлашимиз мумкин. Алмашинувчи элемент ўлчамларини ҳисоблашда [4–5] мақолалардан олинган.

$$\sigma_s = \frac{P_{\max}}{b \cdot L} = \frac{1200H}{0.0142m \cdot 0.05975m} = 1414343.8 \frac{H}{m^2}. \quad (4')$$

$$\frac{\Delta}{\rho_{\text{юк.м}}} = \frac{M}{EJ}, \quad (5)$$

бу ерда: $E=2 \cdot 10^5$ МПа – эластиклик модули; J – тўғри тўртбурчак чизигининг қўндаланг кесими майдонининг нейтрал юзага нисбатан инерция моменти.

Кўрилатган ҳолда $M=0.25 bs^2 \sigma_s$ ва $J=bs^3/12$, у ҳолда (5) формуладан қуйидагини оламиз




$$\frac{1}{\rho_{\text{юк.м}}} = \frac{3\sigma_s}{Es}. \quad (6)$$

Ясаманинг ўрта юзасининг якуний эгрилиги – юкланиш вақтидаги эгрилик ва юкланишни тушириш вақтида эгрилик ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

$$\frac{1}{\rho_{\text{кол}}} = \frac{1}{\rho_c} - \frac{1}{\rho_{\text{юк.м}}} = \frac{1}{\rho_c} - \frac{M}{EJ}. \quad (7)$$

(7) тенгламани ҳисоблаш орқали $\rho_{\text{кол}}$ қолдиқ эгрилик радиусининг қийматини топамиз (3-расм)

$$\rho_{\text{кол}} = \frac{\rho_c}{1 - \frac{M\rho_c}{EJ}}. \quad (8)$$



3- расм. Алмашинувчи элементнинг қолдиқ эгрилик радиусининг эгиш кучига (*a*), алмашинувчи элемент энига (*b*), қалинлигига (*v*) ва эгрилик радиусига (*z*) боғлиқлик графиклари

Қолдиқ $\rho_{\text{кол}}$ эгрилик радиусининг қийматини билган ҳолда эгилишнинг қолдиқ бурчаги $\alpha_{\text{кол}}$ ни юкланишни тушириш вақтида ўртача нейтрал қатламидаги толанинг узунлиги ўзгармаслиги шартига асосан аниқлаш мумкин, у ҳолда

$$\rho_c \alpha = \rho_{\text{кол}} \alpha_{\text{кол}}. \quad (9)$$

Қолдиқ бурчак $\alpha_{\text{кол}}$ билан эгилиш бурчаги α орасидаги фарқ материалнинг орқага қайтиш бурчагини ифодалайди.


$$\Delta \alpha = \gamma = \alpha - \alpha_{\text{кол}}. \quad (10)$$

(9) тенгламадан $\alpha_{кол}$ ни, (8) тенгламадан эса $\rho_{кол}$ аниқлаб, (10) формуладаги қийматларини алмаштиргандан сўнг материалнинг орқага қайтиш бурчагини топиш мумкин бўлади

$$\Delta\alpha = \gamma = \left(1 - \frac{\rho_c}{\rho_{кол}}\right)\alpha = \frac{M\rho_c}{EJ}\alpha . \quad (11)$$

Шундай қилиб, тўғри тўртбурчак учун $1/\rho_{ок.м}=3\sigma_s/(Es)$ момент билан эгишни оддий ўзгаришлардан кейин материалнинг орқага қайтиш бурчагини аниқлаш формуласини олишимиз мумкин (4-расм)

$$\Delta\alpha = \gamma = 3\frac{\sigma_s}{E}\frac{\rho_c}{s}\alpha = 3\frac{\sigma_s}{E}\left(\frac{r}{s} + 0.5\right)\alpha . \quad (12)$$



4- Расм. Алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш бурчагининг эгилиш радиусига (а), қалинлигига (б), эгилиш бурчагига (е) ва эгиш кучига (з) боғлиқлик графиклари

Юқорида келтирилган кетма-кетликдан фойдаланиб, мустаҳкамланган металл учун материалнинг орқага қайтиш бурчагини γ аниқлаш формуласини олиш мумкин. Бунда мустаҳкамланган металл эгрилик чизиғи чизиқли муносабат билан аппроксимацияланади.

Қабул қилинган металлнинг мустаҳкамлигини ҳисобга олувчи кучланиш эпюриси асосида (5-расм), ($b=1$ учун) эгувчи моментни топишимиз мумкин

$$M = \frac{\sigma_{ок} s^2}{4} + \frac{Ps}{6(2r+s)} s^2 , \quad (13)$$

бу ерда $P=(\sigma_s - \sigma_{ок})/0.5s$ – мустаҳкамланиш модули.

(13) тенгликдаги моментни юкланиш тушишини ҳаёлий моментига $M=\sigma_{эл}s^2/6$ ($b=1$ учун) тенглаштириб, қуйидагини аниқлаймиз


$$\sigma_{эл} = \frac{3\sigma_{ок}}{2} + \frac{Ps}{2r+s} . \quad (14)$$

Кейин, олдингилар билан таққослаганда, материалнинг орқага қайтиш бурчагини топишимиз мумкин


$$\Delta\alpha = \gamma = \frac{\frac{3\sigma_{ок}}{2} + \frac{Ps}{2r+s}}{E} \left(\frac{r}{s} + 0.5\right)\alpha . \quad (15)$$

(12) ва (15) формулаларнинг таҳлили (6-расм) шуни кўрсатадики, материалнинг орқага қайтиш бурчагига оқиш чегарасининг ва эластиклик модулига нисбати сезиларли таъсир этади.

Металлни мустаҳкамланиши оқиш чегарасини оширади, шунинг учун парчинланган металл булаклари товланганига нисбатан кўпроқ орқага қайтиши кўзатилади. Металллар қанча жадал мустаҳкамланган бўлса улар шунча орқага қайтишга мойил бўлади. Материалнинг орқага қайтиш α бурчаги ва нисбий радиуснинг r/s ортиши билан материалнинг орқага қайтиш хусусиятини оширади. Металлнинг орқага қайтишини тажриба ва амалий маълумотлардан фойдаланиб аниқлаш мумкин.



5-расм. Эгишдаги қолдиқ кучланиш эпюраси (σ_θ - тангенциаль кучланиш)



6- расм. Алмашинувчи элементнинг ($\rho_{кол}$) қолдиқ эгрилик радиусининг (r) эгилиш радиусига боғлиқлик ўзгариш графиги

Хулоса: Алмашинувчи элементни эгиш кучи 500 Н дан 2000 Н гача ўзгартирилганда қолдиқ эгрилик радиуси $\rho_{кол}$ 2.03 мм дан 2.14 мм гача, алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш бурчаги $\alpha_{кол}$ эса 0.007° дан 0.03° гача ортади. Алмашинувчи элементнинг мавжуд конструкция учун қолдиқ эгрилик радиуси $\rho_{кол}$ 2.02 мм дан 2.08 мм гача, алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш бурчаги $\alpha_{кол}$ эса 0.007° дан 0.018° оралиғида эканлиги аниқлаш имконини берди.

Алмашинувчи элемент улчамлари $b=0.0142$ м, $s=0.004$ м ва $r=0.12$ м бўлганда қолдиқ эгрилик радиуси $\rho_{кол}=0.1246$ м, алмашинувчи элементнинг орқага қайтиш бурчаги эса $\alpha_{кол}=0.0178^\circ$ ташкил этиши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Москвитин В. В. Пластичность при переменных нагрузжениях. М.: МГУб, 1965. – 263 с.
- [2] Москвитин В. В. Циклические нагружения элементов конструкций. М.: Наука, 1981. – 344 с.
- [3] Зубцов М. Е. Листовая штамповка. Л.: Машиностроение, 1980. – 432 с.
- [4] Мухаммадиев Д. М., Эргашев И. О., Ахмедов Х. А., Мухаммадиев Т. Д. Определение технологических параметров гибки вставки для колосника пильного джина // Проблемы механики. Ташкент, 2020. №3. С.47–50.
- [5] Мухаммадиев Д. М., Ахмедов Х. А., Эргашев И. О., Мухаммадиев Т. Д. Колосник ва алмашинувчи элемент бирикмасини ҳисоблаш // Проблемы механики. Ташкент, 2020, №3. С.93–96.

ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

17.12. 2020
қабул қилинган

Д.М. Мухаммадиев, Х.А.Ахмедов, И.О.Эргашев, Р.Т.Бозоров, Р.Х.Расулов. Расчет пружинения вставки после гибки

В статье представлены результаты расчета величины пружинения вставки для новой конструкции колосников пильного джина после процесса гибки. Экспериментально определена величина силы гибки вставки. Установлено максимальное значение силы гибки вставки 2000 Н. В результате определения значения радиуса остаточной кривизны вставки показано, что $\rho_{кол}=0.1246$ м и угол пружинения вставки $\alpha_{кол}=0.0178^\circ$.

D.M. Muhammadiev, Kh.A. Akhmedov, I.O. Ergashev, R.T. Bozorov, R.Kh. Rasulov. Calculation of the spring of the insert after bending


The article presents the results of calculating the value of spring inserts for the new design of saw gin grates after the bending process. The value of the flexible insertion force is determined experimentally. The maximum value of the force on the bending of the insert is brought to 2000 N. As a result, the values of the radius of the residual curvature of the insert $\rho_{кол}=0.1246$ m and the angle of the spring of the insert $\alpha_{кол}=0.0178^\circ$ were established.

РАСЧЕТНО-ЧИСЛЕННОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КОНЦЕНТРАЦИИ СМЕСИ ВОЗДУХА ПРИ ПРИМЕНЕНИИ СЕРИЙНОЙ И ОПЫТНОЙ ПРИЕМНЫХ КАМЕР

При машинной уборке актуальной задачей является транспортировка хлопка-сырца из приемной камеры уборочного аппарата до бункера хлопкоуборочной машины с сохранением его биологических качеств, с меньшими потерями на землю, а также меньшими затратами мощности на привод вентилятора. По повышению эффективности пневмотранспорта проводится значительное, число исследований [1 – 3].

Как известно, концентрация смеси воздуха при транспортировке хлопка-сырца составляет $\mu = 0.6 - 0.8$ [4]. При сборе хлопка хлопкоуборочными машинами концентрация смеси воздуха $\mu = 0.2 - 0.25$ [5]. В связи с этим необходимо повысить эффективность транспортировки хлопка в хлопкоуборочных машинах.

С учетом актуальности проблемы была разработана новая универсальная приемная камера [6]. Хлопкоуборочная машина МХ-1,8 с новыми опытными приемными камерами представлена на рисунке.



Хлопкоуборочная машина МХ-1,8 с опытной приемной камерой

По рекомендациям ГСКБ по машинам для хлопководства в целях обеспечения эффективной работы пневмотранспортной системы при применении серийной приемной камеры (щелевой) производительность вентилятора должна соответствовать $Q = 2.2 \text{ м}^3/\text{с}$, концентрация смеси воздуха $\mu = 0.2$ и объем воздуха в каждом воздуховоде $Q = 0.55 \text{ м}^3/\text{с}$. С целью проведения расчетно-численных исследований принимаем следующие исходные данные:

- $Q_1 = 0.55 \text{ м}^3/\text{с}$ – расход воздушного потока одного трубопровода серийной рабочей камеры;
- $Q_2 = 0.425 \text{ м}^3/\text{с}$ – расход воздушного потока одного трубопровода в опытной приемной камере, который определен экспериментальным путем на стендовых испытаниях;
- $d = 0.175 \text{ м}$ – диаметр трубопровода;
- $B = 0.6 \text{ м}, 0.9 \text{ м}$ – ширина между рядками;
- $G_p = 2000 - 5000 \text{ кг/га}$ – изменение раскрытой урожайности;
- $\Pi = 0.88 - 0.93$ – изменение полноты машинного сбора;
- $V_m = 4.2 \text{ км/ч} = 1.16 \text{ м/с}$ – рабочая скорость машины;
- $n = 2$ – количество трубопроводов для транспортировок хлопка, собранного с одного рядка;
- $\gamma = 1.184 \text{ кг/м}^3$ – удельный вес воздуха (при температуре $t = 25^\circ\text{C}$ и нормальном атмосферном давлении).

Вес собранного хлопка-сырца, проходившего по одному трубопроводу в одну секунду, определяем по формуле

$$G_m = \frac{G_p \cdot B \cdot V_m \cdot \Pi}{n \cdot 10^4}, \text{ кг/с.} \quad (1)$$

Вес воздушного потока, проходящего по одному трубопроводу за одну секунду по серийной приемной камере, определяем следующим образом:

$$G_s = Q_1 \cdot \gamma, \text{ кг/с.} \quad (2)$$

Вес воздушного потока, проходящего по одному трубопроводу за одну секунду по опытной приёмной камере, находим по формуле

$$G_g = Q_2 \cdot \gamma, \text{ кг/с.} \quad (3)$$

Согласно принятым исходным данным и по выражениям (2), (3) определяем вес воздуха, проходящего за одну секунду по одному трубопроводу:

$$G_g = Q_1 \cdot \gamma = 0.55 \cdot 1.184 = 0.651 \text{ кг/с} - \text{при применении серийной приемной камеры};$$

$G_g = Q_2 \cdot \gamma = 0.25 \cdot 1.184 = 0.503 \text{ кг/с} - \text{при применении опытной приемной камеры, согласно экспериментальным данным.}$

Весовую концентрацию воздуха вычисляем по формуле

$$\mu = \frac{G_m}{G_g}. \quad (4)$$

На основании вышеприведенных исходных данных и междурядья хлопчатника $B = 0.6 \text{ м}$, применяя выражения (1–4) составляем табл. 1.

Таблица 1

Влияние раскрытой урожайности хлопка-сырца на весовую концентрацию (μ) при использовании серийной и опытной приемных камер для междурядья $B = 0.6 \text{ м}$

G_p , кг/га		2000	2500	3000	3500	4000	4500	5000
G_g , кг/с		0.651 кг/с (серийная); 0.503 (опытная)						
G_m , кг/с	$\Pi=0.88$	0.060	0.076	0.091	0.106	0.121	0.136	0.152
	$\Pi=0.91$	0.062	0.078	0.093	0.109	0.125	0.141	0.157
	$\Pi=0.93$	0.064	0.080	0.096	0.112	0.128	0.144	0.160
μ , серийная приемная камера	$\Pi=0.88$	0.092	0.116	0.139	0.162	0.186	0.209	0.233
	$\Pi=0.91$	0.095	0.120	0.143	0.167	0.192	0.216	0.241
	$\Pi=0.93$	0.098	0.129	0.147	0.172	0.196	0.221	0.246
μ , опытная приемная камера	$\Pi=0.88$	0.119	0.151	0.181	0.211	0.241	0.270	0.302
	$\Pi=0.91$	0.123	0.155	0.185	0.217	0.248	0.280	0.312
	$\Pi=0.93$	0.127	0.159	0.191	0.223	0.254	0.286	0.318

При междурядье хлопчатника $B=0.9 \text{ м}$ и на основании вышеприведенных исходных данных, применяя выражения (1–4), составляем табл. 2.

Анализ табл. 1 и 2 показывает, что при одинаковом раскрытии коробочек хлопка-сырца урожай G_p (кг/га) концентрация смеси воздуха μ больше в 1.5 раза при сборе хлопка из междурядья 0.9 м по сравнению с междурядьем 0.6 м.

Анализ табл. 2 показывает, что для междурядья $B = 0.9 \text{ м}$ с увеличением урожая раскрытых коробочек $G_p = 2000 - 5000 \text{ кг/га}$ увеличивается концентрация смеси воздуха для серийной приемной камеры при полноте сбора $\Pi = 0.88 - 0.93$; $\mu = 0.138 - 0.369$, соответственно для опытной приемной камеры при полноте сбора $\Pi = 0.88 - 0.93$; $\mu = 0.179 - 0.477$.

Таблица 2

Влияние урожайности раскрытых коробочек хлопка-сырца на весовую концентрацию (μ) при использовании серийной и опытной приемных камер для междурядья $B = 0.9 \text{ м}$

G_p , кг/га		2000	2500	3000	3500	4000	4500	5000
G_g , кг/с		0.651 кг/с (серийная); 0.503 (опытная)						
G_m , кг/с	$\Pi=0.88$	0.090	0.114	0.136	0.159	0.181	0.204	0.228
	$\Pi=0.91$	0.093	0.117	0.139	0.163	0.187	0.211	0.235
	$\Pi=0.93$	0.096	0.120	0.144	0.168	0.192	0.216	0.240
μ , серийная приемная камера	$\Pi=0.88$	0.138	0.175	0.209	0.244	0.278	0.313	0.350
	$\Pi=0.91$	0.143	0.180	0.213	0.250	0.287	0.324	0.361
	$\Pi=0.93$	0.147	0.184	0.221	0.258	0.295	0.332	0.369
μ , опытная приемная камера	$\Pi=0.88$	0.179	0.226	0.270	0.324	0.360	0.405	0.453
	$\Pi=0.91$	0.185	0.233	0.276	0.324	0.372	0.419	0.467
	$\Pi=0.93$	0.191	0.238	0.286	0.334	0.382	0.429	0.477

Заключение. Расчетно-численные исследования показали, что при применении опытной приемной камеры концентрация смеси воздуха повышается в 1.3 раза по сравнению с серийной приемной камерой. С увеличением урожая раскрытых коробочек хлопка-сырца увеличивается концентрация смеси и становится максимальной $\mu = 0.477$ при $G_p=5000 \text{ кг/га}$, $\Pi = 0.93$ при применении опытной приемной камеры и соответственно для серийной приемной камеры – $\mu = 0.369$ для междурядий $B=0.9 \text{ м}$.

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Rizaev A., Yuldashev A., Kuldoshev D., Ashurov N. Effect parameters of vertically spindle cotton

picker machines on the mechanical damage of cotton seeds during machine harvesting/IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering. Vol. 883. 2020.

- [2] Matchanov R.D., Rizaev A.A., Yuldashev A.T., Kuldoshev D.A., Akhmedov Sh.A. Pneumatic Transport System of a Cotton Picker. // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE). Vol. 9. Issue 4, February 2020. – P. 2267–2270.
- [3] Rizaev A.A., Malikov Z.M., Yuldashev A.T., Temirov D.A., Borotov A.N. Bench-scale study of centrifugal fan parameters//2020 VII International Scientific Conference “Integration, Partnership and Innovation in Construction Science and Education” (IPICSE–2020).
- [4] Роганов Б.И., Джабаров Г.Д., Котов Д.А., Балтабаев С.Д., Соловьев Н.Д. Первичная обработка хлопка. М.: Легкая индустрия. 1965, С.406–417.
- [5] Артыков Н.А. Пневмотранспорт легкоповреждаемых материалов. Ташкент: Фан, 1984. –152 с.
- [6] Патент IAP2019 0507 UZ. Способ транспортирования хлопка-сырца из приемной камеры в бункер хлопкоуборочной машины и устройство для его осуществления / Авт. изобр. Ризаев А.А., Маликов З.М., Йулдошев А.Т., Кулдошев Д.А. и др. Заявитель ИМиСС АН РУз. Выдан 2019. 12 декабря.

Институт механики и сейсмостойкости сооружений
им. М.Т. Уразбаева АН РУз

Дата поступления
07.12. 2020

А.Т. Ёулдашев. Серияли ишлаб чиқарилган ва тажриба қабул камерасидан фойдаланганда ҳаво аралашмаси концентрациясининг ўзгаришини сонли ҳисоблаш тадқиқоти

Мақолада пахта териш машинасининг серияли ва тажриба қабул камерасидан фойдаланганда ҳаво аралашмаси концентрациясининг ўзгариши муҳокама қилинади. Ҳисоблаш ва рақамли тадқиқотлар очилган пахта ҳосилининг ўзгаришига ва машина теримининг тўлиқлигига қараб ҳаво аралашмаси концентрациясининг ўзгариши аниқланди. Ҳаво аралашмасининг концентрацияси маҳаллий ва тажриба қабул камераси билан таққослаганда ўртадаги фарқ 1.3 барабар юқори эканлиги аниқланди.

A.T. Yuldashev. Computational and numerical study of the change in the concentration of the air mixture when using a serial and experimental receiving chamber

The article discusses the change in the concentration of the air mixture when using a serial and experimental receiving chamber of a cotton picker. Computational studies have determined the change in the concentration of the air mixture depending on the change in the yield of opened raw cotton and the completeness of the machine harvest. It was determined that the concentration of the air mixture is 1.3 times higher when using the experimental receiving chamber compared to the serial one.

УДК 532.5

У.И. БЕГИМОВ, Н.А. УСМОНОВА, Х.М. ЯКУБОВА, С.И. ХУДАЙКУЛОВ

МОДЕЛИРОВАНИЕ УДАРНОГО ИМПУЛЬСА В ВОДОВЫПУСКНОМ ТРУБОПРОВОДЕ КАРКИДОНСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА

Безопасность гидротехнических сооружений зависит от удара течения потока в водовыпускных трубопроводах, который является источником вибрации, приводящим к разрушениям. Основным вопросом при гидравлическом ударе водовыпускных сооружений Каркидонского водохранилища являются изменения давления и импульса. Изменение давления непосредственно связано с изменением скорости жидкости в водовыпускном трубопроводе. В связи с этим в первую очередь необходимо выяснить действительный характер изменения скорости и импульса. Основная схема физического процесса гидравлического удара по теории Н.Е. Жуковского основывается на мгновенном ударе жидкости. При этом жидкость считается не вязкой, но сжимаемой и подчиняющейся закону Гука, трубопровод – абсолютно жестким. Скорость H напорного движения определяется по формуле $V_H = \sqrt{2gH}$ [1].

С дополнительным изменением давления во всех сечениях нагнетательного трубопровода мгновенно меняется напор и удар распространяется как упругая волна с большой скоростью к мембране. В нагнетательном трубопроводе создаётся перепад давления Δp , который определяется в виде разницы давлений [2]:

$$\Delta p = p_H - p_a = \rho \frac{\alpha V_H^2}{2},$$

где V – средняя скорость потока; $V=ui+\nu j$; α – коэффициент кинетической энергии или коэффициент Кориолиса. Скорость мгновенного удара во всех точках поперечного сечения равна средней скорости ($u=V$) и при $\alpha \approx 1.04$ определяется по интегральному соотношению [2]:

$$\alpha = \frac{1}{\omega_0} \int_{\omega} \left(\frac{u}{V} \right)^3 d\omega.$$

Таким образом, будем иметь следующее равенство для определения разниц давления Δp :

$$\Delta p = \alpha \rho \frac{V_H^2}{2} = \alpha \rho \frac{2gH}{2} = \alpha \gamma H, \quad (1)$$

где γ – удельный вес жидкости.

Из-за внезапного удара в нагнетательном трубопроводе с диаметром D_0 происходит гидравлический удар о сеточную мембрану с диаметром щели d_0 . Вследствие гидравлического удара в нагнетательном трубопроводе возникает напорное истечение из щели мембраны. Как отмечалось, мгновенный удар сопровождается возникновением напорного импульса I_0^* в трубопроводе [2]:

$$I_0 = P_0 + \gamma H.$$

Значение импульса потока определяется на основе использования уравнения Навье – Стокса для несжимаемой вязкой жидкости, т.е. для гидравлических жидкостей. При этом предполагается, что трубопровод, в котором происходит гидравлический удар, расположен горизонтально. Тогда уравнение количества движений вязкой жидкости примет вид

$$\rho u \frac{\partial u}{\partial x} + \rho \frac{\partial u}{\partial r} = -\frac{\partial p}{\partial x} + \nu \nabla^2 u.$$

Уравнение неразрывности жидкости можно записать в виде

$$\frac{\partial(u\rho r)}{\partial x} + \frac{\partial(\rho r)}{\partial r} = 0. \quad (2)$$

Предположим, что труба круглая осесимметричная. Тогда имеем следующие начальные и граничные условия:

$$u(R_0) = 0, \quad \left. \frac{\partial u}{\partial r} \right|_{r=0} = 0, \\ \rho(0) = 0, \quad \rho(R_0) = 0.$$

Уравнение количества движения с учетом уравнения неразрывности (2) можно привести в виде [3]

$$\frac{\partial}{\partial x}(\rho u^2) + \frac{\partial(\rho u r)}{\partial r} = -\frac{\partial p}{\partial x} + \nu \nabla^2 u. \quad (3)$$

Для получения уравнения, усредненного по толщине круглой трубы, умножим уравнение на $rdrd\theta$ и проинтегрируем по r и θ от 0 до 2π , а внутренний интеграл от 0 до R_0 и тогда будем иметь следующее интегральное равенство для уравнения вязкой жидкости [3, 4]:

$$\int_0^{2\pi} d\theta \int_0^{R_0} r dr \left[\frac{\partial}{\partial x}(\rho u^2) + \frac{\partial(\rho u r)}{\partial r} \right] = -\int_0^{2\pi} d\theta \int_0^{R_0} \frac{\partial p}{\partial x} r dr + \gamma \int_0^{2\pi} d\theta \int_0^{R_0} r \nabla^2 u dr \quad (4)$$

Отсюда получим равенство для импульса потока во внутренней части до гидравлического удара:

$$2\pi \frac{d}{dx} \int_0^{R_0} (\rho u^2 + p) r dr = \gamma \frac{1}{r} \left. \frac{\partial u}{\partial r} \right|_0^{R_0}. \quad (5)$$

Как известно, импульс потока, т.е. внутренний интеграл формулы (4), является неизменным:

$$2\pi \left[\int_0^{R_0} \rho u^2 r dr + p \frac{R_0^2}{2} \right] = \text{const}.$$

Предположим, что в ударном трубопроводе потеря напора незаметна, т.е.

$$|p_{\text{вх}} - p_{\text{вх}}| \ll 1.$$

Как известно, первый интеграл выражения (5) определяет импульс потока, тогда будем иметь выражение для импульса потока в следующем виде:

$$I_0 = 2\pi \int_0^{R_0} \rho u^2 r dr = \text{const}.$$

Согласно формуле Пуазейля, расход жидкости определяется через перепад давлений, возникший в момент удара резким изменением давления (рисунок):

$$Q = 2\pi \frac{\Delta p R_0^4}{16\mu L}, \quad (6)$$

где $R_0 = D_0/2$ – начальный радиус внешней части трубопровода. При помощи формулы определим импульс потока в ударном трубопроводе (5), (6):

$$\begin{aligned}
I_0 &= \int_0^{2\pi} d\theta \int_0^{R_0} ru^2 \rho dr = 2\pi \int_0^{R_0} \rho \left(\frac{\Delta p}{4\mu L} \right)^2 [R_0^4 - r^2]^2 r dr = 2\pi \rho \left(\frac{\Delta p}{4\mu L} \right)^2 \int_0^{R_0} [R_0^4 - 2R_0^2 r^2 + r^4] r dr = \\
&= 2\pi \rho \left(\frac{\Delta p}{4\mu L} \right)^2 \int_0^{R_0} [R_0^4 r - 2R_0^2 r^3 + r^5] dr = 2\pi \rho \left(\frac{\Delta p}{4\mu L} \right)^2 \left[\frac{R_0^6}{2} - 2 \frac{R_0^6}{4} + \frac{R_0^6}{6} \right] = 2\pi \rho \left(\frac{\Delta p}{4\mu L} \right)^2 \frac{R_0^6}{6} = \\
&= \rho \left(\frac{\Delta p R_0^4}{16\mu L} 2\pi \right)^2 \frac{16}{6} \frac{1}{2\pi} \frac{1}{R_0^2}.
\end{aligned}$$

Для импульса потока имеем выражение

$$I_0 = \rho \frac{4}{3\pi} \frac{1}{R_0^2} Q, \quad (7)$$

где Q – расход жидкости, т.е. объем рабочей жидкости, протекающей через поперечное сечение ударной трубы, который определяется из уравнения (5). Из условия неразрывности имеем формулу

